
Аёлни эъзозлаш – эзгулик мезони

Аввал хабар берганимиздек, 15 октябрь-Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Ўзбекистон тумани ҳудудларида хотин-қизларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар давом этмоқда.

Ана шундай эзгу тадбирлардан бири тумандаги Авғон маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ташкилланди.



Фуқаролар йиғини ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг ташаббуси билан қишлоқда истиқомат қилувчи бир гуруҳ ташаббускор аёллар, жорий йилги “оқ олтин” хирмонини йиғиб-териб олиш ишларида фаол иштирок этган опасингилларни маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун Риштон туманидаги “Хизр бува” зиёратгоҳига саёҳат уюштирилди.



Саёҳат ва зиёрат давомида қишлоқ аёлларига давомли ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳам топширилди.
2022-10-18 16:59:08